

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ  
МИКРОХИРУРУГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ  
МИКРОХИРУРУГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХАСАНОВ НОСИРЖОН НОЗИМЖОН ЎҒЛИ**

**ВЕРТЕБРО-БАЗИЛЯР ТИЗИМДА ҚОН АЙЛАНИШ ЕТИШМОВЧИЛИГИДА  
КЎРУВ АЪЗОСИ ЗАРАРЛАНИШИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТАШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хасанов Носиржон Нозимжон ўғли**

Вертебро-базиляр тизимда қон айланиш етишмовчилигида

кўрув азбоси зарарланишини ташхислаш ва даволаш

усулларини такомиллаштириш ..... 30

**Хасанов Носиржон Нозимжон угли**

Совершенствование диагностики и лечения поражения

органа зрения при вертебро-базилярной недостаточности ..... 56

**Khasanov Nosirjon Nozimjon ugli**

Improving the diagnostics and treatment of visual organ damage in

vertebrobasilar insufficiency..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 60

**РЕСПУБЛИКА ИҲТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ  
МИКРОХИРУРУГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИҲТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ  
МИКРОХИРУРУГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХАСАНОВ НОСИРЖОН НОЗИМЖОН ЎҒЛИ**

**ВЕРТЕБРО-БАЗИЛЯР ТИЗИМДА ҚОН АЙЛАНИШ ЕТИШМОВЧИЛИГИДА  
КЎРУВ АЪЗОСИ ЗАРАРЛАНИШИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТАШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib3329 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.eyecenter.uz](http://www.eyecenter.uz)), «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-саҳифаларида ([www.uza.uz](http://www.uza.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Закирходжаев Рустам Асралович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Исмаилов Муслим Исмаилович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Касимова Мунираҳон Садикжановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессори

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли илмий кенгашнинг «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, г. Ташкент, Учтепинский район, ул. Кичик халқа йўли,14. Тел/факс:(+99871)217-49-34, 217-49-37; e-mail: [eyecenter@inbox.ru](mailto:eyecenter@inbox.ru)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100173, г. Ташкент, Учтепинский район, ул. Кичик халқа йўли,14. Тел/факс:(+99871)217-49-34, 217-49-37; e-mail: [eyecenter@inbox.ru](mailto:eyecenter@inbox.ru))

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да куни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ф. Юсупов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ш.А. Джамалова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Каримова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларга кўра, ҳар йили 15 миллиондан ортиқ инсонлар инсулт касаллигига чалинишади, улардан 5 миллиони ҳаётдан кўз юмади, 5 миллиони ногирон бўлиб қолади. «Текширувлар шуни кўрсатдики, вертебро-базилар етишмовчилиги бўлган беморларда бу ҳолатга чалинмаган беморларга нисбатан инсулт, миокард инфаркти ва ўлим ҳолати частотаси кўпроқ учрайди»<sup>1</sup> Брахиоцефал артерияларнинг зарарланиши кўрув аъзолари, кўрув йўллари, уларнинг пўстлоқ ва пўстлоқ ости марказларини зарарланишига олиб келади. Бунинг оқибатида ривожланувчи кўриш функцияларининг бузилиши билан бирга, кўз олмалари окуломотор фаолияти бузилиши натижасида нистагм, офтальмоплегия, нигоҳ ва конвергенция бузилишлари белгиларини аниқлаш имконини берадиган сезгир усулларни қўллаш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади

Жаҳонда вертебро-базилар етишмовчилигида кўриш аъзоси ўзгаришларининг клиник-диагностик асослари ва уларни даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада вертебро-базилар тизими етишмовчилиги сабабли ривожланувчи кўз олмалари окуломотор фаолияти бузилишининг клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш; ушбу касалликларнинг турли шаклларида офтальмологик ва нейрофизиологик маркерларини аниқлаш; бу беморларда нейрофизиологик усулларини қўллаган ҳолда кўрув аъзоси, кўрув йўлларидаги нейродегенератив жараёнларини баҳолаш тартибини ишлаб чиқишдан иборат. Вертебро-базилар тизими етишмовчиликда кўрув анализаторининг окуломотор бузилишларини объектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш зарур, бу эса касаллик этиопатогенезининг янги жиҳатлари ва таққослама - ташхислаш белгиларини очиб беришга, ҳамда патогенетик йўналтирилган даволаш услубларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли омилларнинг кўриш тизимига таъсир қиладиган омиллар таъсирида юзага келадиган касалликларни бартараф этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, вертебро-базилар тизимда қон айланиш етишмовчилигида кўрув аъзоси зарарланишини эрта ташхислаш ва

1 I. Qureshi, Omar Saeed, A. Malik, Vertebrobasilar Insufficiency is an Easy to Ascertain and Important Predictor of Cardiovascular Events in Elderly Population: Analysis of Cardiovascular Health Study

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

даволашни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон илмий адабиётларнинг кўплаб тадқиқотлари шуни кўрсатдики, умумий цереброваскуляр касалликлар орасида вертебро-базиляр тизимда қон айланиш бузилиши муҳим ўрин эгаллайди ва бу ҳолат ёш, меҳнатга лаёқатли инсонларда меҳнат қобилиятини йўқотишга, ногиронликка сабаб бўлганлиги учун ижтимоий аҳамиятга эга. Бу тизимда кўрув тракти, кўрув анализаторининг мия ичи қисмлари (тўрт тепалиқнинг юқори қисмлари, латерал тиззасимон тана, претектал соха, 17-19 кўрув пўстлоғи майдони) жойлашган. (Шпрах В.В., 2017й). Кузатувлардан маълум бўлдики брахиоцефал томирлар ёки ўмров ости артерияларининг бошланғич қисми зарарланишида вертебро-базиляр етишмовчилик 80% ҳолатда қоннинг умуртқа артерияларидан ёки ўмров ости артерияларидан ретроград йўналишда каротид хавзага қуйилиши натижасида ривожланади. Вертебро-базиляр тизимда қон айланиш етишмовчилигининг сабабларидан яна бири ички уйқу артерияларига антеград йўналишда қон келиши етишмовчилигида қоннинг вертебро-базиляр тизимдан орқа боғловчи артерия орқали катта бош мия шарлари томирларига (МОА, МЎА)га оқиб ўтишидир. (А.В. Покровский, 2014й). Вертебро-базиляр тизимида қон айланиш етишмовчилигининг офтальмологик клиник кўринишларига кўриш бузилиши (кўз олдида соялар борлиги, кўз олди туман бўлишига) ва окуломоториканинг бузилиши (нистагм, диплопия, птоз), корнеал рефлекс сусайиши мисол бўлади (Новосельцев С.В., 2007й). Ушбу келтирилган офтальмологик клиник белгилар ва вертебро-базиляр етишмовчилик орасидаги узвий боғлиқлик етарлича ўрганилмаган.

Илмий адабиётларда вертебро-базиляр етишмовчилигида (ВБЕ) кўрув аъзоларини функционал ҳолатини баҳолашда кўрув майдонида турли скотомалар пайдо бўлиши, ёруғлик сезувчанликни пасайиши кузатилиши

исботланган (Enas E., 2018; Gajamange S., 2019; Dutra B., 2018; Hsu Y., 2020) Ундан ташқари, кўз касалликларининг ривожланиши ва кўзнинг электрофизиологик кўрсаткичларининг ўзгариши кузатилаётган вертебро-базиляр тизимдаги қон айланиш бузилиши ўртасида ўзаро алоқа борлиги ҳақидаги саволлар ҳозирги вақтгача муҳокама қилинмоқда (Прокаева Т.А. бошқ., 2012й). Айни пайтда адабиётда ушбу муаммо ечими бўйича нашрлар бир-бирига зид.

Ўзбекистонда кўрув нерви, кўрув тракти касалликларини ташхислаш бўйича қатор, жумладан куйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: кўрув нерви касалликларини эрта ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Комилов Х.М., 1988), кўрув нерви ишемик ва туғма аномалияларидаги ўзгаришларнинг ўзига хосликлари баҳоланган (Касимова М.С, 2009; Зокирходжаев Р.А., 2018), макуляр дистрофия ва қандли диабетда тўр пардадаги ўзгаришларнинг замонавий ташхислаш усуллари ўрганилган (Юсупов А.Ф., 2018; Джамалова Ш.А., 2018) ва бошқа тадқиқотчи олимлар томонидан ўтказилган бир қатор илмий изланишларда кўз ишемик синдроми, атеросклерозда кўздаги ўзгаришлар, кўрув нерви неврити, олдинги ишемик оптик нейропатия, травматик оптик нейропатия мавзулари атрофлича ўрганилган. Аммо шунга қарамай ВБЕда кўздаги ўзгаришларга оид илмий тадқиқотлар ва илмий ишлар юртимизда ўтказилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, вертебро-базиляр етишмовчилиги сабабли ривожланган кўрув аъзоси зарарланишини ташхислашда янги клиник-функционал тамойилларни асослаб бериш, бу касалликларнинг этиопатогенетик сабаблари ва ташхислаш муаммоларини ўрганиш, ВБЕни ташхислашда функционал нейрофизиологик усуллари амалиётга тадбиқ қилиш, ВБЕ сабабли ривожланган кўрув аъзолари зарарланишининг янги даволаш схемаларини ишлаб чиқиш масаласи офтальмологияда долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий - тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Вертебро - базиляр тизимдаги қон айланиши етишмовчилигида кўрув аъзоларидаги зарарланишларни эрта аниқлаш, уларнинг ташхислашни оптималлаштириш орқали даволаш самарадорлигини ошириш ва асоратларни олдини олишдан иборат.

vertebro - bazilyar tizimdagi qon aylanishi etishmovchiligida ko'ruv a'zolaridagi zararlanishlarni erta aniqlash, ularning tashxisini optimallashtirish orqali davolashni yaxshilash va asoratlar rivojlanishining oldini olishdan iborat.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

вертебро - базиляр тизимда қон айланиши етишмовчилиги бўлган беморларнинг кўрув аъзоларидаги ўзгаришларни эрта аниқлаш диагностик мезонларини ишлаб чиқиш;

вертебро - базиляр қон айланиш етишмовчилигида ривожланувчи спонтан нистагмни видеонистагмография текширув усулидан фойдаланган холда клиник офталмологик баҳолаш;

вертебро - базиляр тизимда қон айланиш етишмовчилигида брахиоцефал артерияларда ўтказилган жаррохлик амалиётлардан кейинги даврда кўрув аъзоларидаги ўзгаришга асосан даволаш самарадорлигини ўрганиш;

вертебро - базиляр тизим қон айланиши етишмовчилигида кўрув аъзоларидаги зарарланишларни нейрофизиологик ва офтальмологик текширувлардан фойдаланган холда дифференциал диагностикасини ва даволаш чораларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали Ихтисослаштирилган жаррохлик бўлинмасида 2021 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда вертебро-базиляр тизимида қон айланиши етишмовчилиги бўлган, стационар даволанган беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида вертебро-базиляр тизим қон айланиш етишмовчилигида ривожланган кўриш ўткирлиги камайиши, кўрув майдонидаги ўзгаришларни ва окуломотор функциялар бузилишини ташхислашда визометрия, статик ва динамик периметрия, тўр парда ва кўрув нерви хақида оптик когерент томография маълумотлари, электрофизиологик ва нейрофизиологик текширув натижалари, брахиоцефал артериялар ва кўз олмаси доплерография текширув усули хусусиятлари, видеонистагмография текширув усули ёрдамида оптокинетик нистагм ўзгаришлар кўрсаткичларини аниқлаш натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда вертебро-базиляр тизимида қон айланиш етишмовчилиги бўлган беморларда кўрув аъзолари зарарланишини комплекс баҳолашда клиник, офтальмологик, электрофизиологик ва нейрофизиологик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

офтальмологик ва нейрофизиологик текширув усуллардан фойдаланган холда вертебро - базиляр тизимда қон айланиши етишмовчилигида кўрув аъзоларидаги ўзгаришларни эрта аниқлаш, уларнинг дифференциал диагностикаси ва уларга тизимли комплекс ёндошув мезонлари асосланган;

вертебро-базиляр тизим етишмовчилигида ривожланувчи кўз олмалари оптокинетик нистагм ва саккадик ҳаракатларини объектив текширув усули ёрдамида клиник офтальмологик баҳолаш имконияти исботланган;

комплекс ташхислаш ёрдамида вертебро-базиляр тизим етишмовчилиги ҳолатини спонтан нистагмга асосланган холда хавфсиз пароксизмал позицион бош айланиш ва вестибуляр нейронит касалликларидан дифференциал ташхисотини ўтказиш имконияти исботланган;

брахиоцефал артерияларда ўтказилган жаррохлик амалиётларидан олдинги ва кейинги даврда нейрофизиологик ва офтальмологик текширувлардан фойдаланган холда даволаш самарадорлигини асосланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

вертебро-базиляр тизими қон айланиш етишмовчилиги бўлган беморларда кўрув аъзоси, унинг пўстлоқ ва пўстлоқ ости марказлари, кўз олмасининг окуломотор фаолиятининг бузилишига аниқлик киритиш меъзонлари ишлаб чиқилган;

вертебро-базиляр тизими қон айланиш етишмовчилигида ривожланувчи кўз олмалари оптокинетик нистагм ва саккадик ҳаракатларининг Видеонистагмография текширув усули ёрдамида кшз олмалари окуломотор фаолиятини клиник офтальмологик баҳолаш имкониятлари ишлаб чиқилган;

вертебро-базиляр тизим етишмовчилик ҳолатида ривожланувчи нистагмга асосланиб хавфсиз пароксизмал позицион бош айланиш ва вестибуляр нейронит касалликларидан дифференциал ташхислаш имкониятлари яратилган;

вертебро – базиляр тизимида қон айланиши етишмовчилигини кўрув аъзосидаги ўзгаришларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволаш, беморларнинг кўриш қобилиятини сақлаб қолиш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга эришилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, офтальмологик, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги ва натижалар ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти офтальмологияда вертебро-базиляр етишмовчилик сабабли ривожланган кўрув функциялари ва окуломотор фаолияти бузилишининг клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш ва ташхислашнинг замонавий ютуқларига катта ҳисса қўшилганлиги, ҳамда ушбу касалликлар ривожланишида келиб чиқадиган асоратларни даволаш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий диагностик текширувларга асосланганлиги, вертебро-базиляр етишмовчилигида кўрув аъзосидаги ўзгаришларни оптик когерент томография, чақирилган кўрув потенциаллари, видеонистагмография, МСКТ ангиография, рангли доплер сканерлаш мезонларга таяниб эрта ва қиёсий ташхислаш алгоритмлари ишлаб чиқилганлиги, беморларни касаллик ривожланиши сабабидан келиб чиққан ҳолда касалликнинг даволаш самарадорлигини оширувчи, иктисодий сарф-харажатларни қисқартирувчи ва беморларнинг ҳаёт тарзи сифатини яхшиловчи даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.**

Вертебро-базиляр тизимда қон айланиш етишмовчилигида кўрув аъзоси зарарланишини ташхислаш ва даволаш усуллариини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил

20 майдаги 14/07 хулосасига кўра):

**Биринчи илмий янгилик:** офтальмологик ва нейрофизиологик текширув усуллардан фойдаланган холда вертебро - базиляр тизимда қон айланиши етишмовчилигида кўрув аъзоларидаги ўзгаришларни эрта аниқлаш, уларнинг дифференциал диагностикаси ва уларга тизимли комплекс ёндошув мезонлари асосланган. **Илмий янгиликнинг ахамияти:** Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти олинган янгилик вертебро-базиляр тизими қон айланиш етишмовчилигида брахиоцефал артериялар ва кўз артериясида систолик босимнинг камайиши хисобига компьютер периметрия текширувида ўртача сезувчанлик (MS) кўрсаткичининг камайиши кўрув аъзоси зарарланишини дифференциал ташхислашни ўрганишга катта хисса қўшадиган ўзига хос назарий ахамиятга эга эканлиги билан белгиланган. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** олинган илмий-амалий натижалар Республика клиник офтальмологик шифохонаси бўйича буйруқ (буйруқ № 33П, 29.08.2024й), РИКМИАТМ Термиз филиали бўйича буйруқ (буйруқ № 18, 30.08.2025й) билан амалиётга жорий қилинган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** вертебро-базиляр тизим етишмовчилигида офтальмологик ва нейрофизиологик текширувлардан фойдаланиш кўрув аъзоси зарарланишини эрта аниқлаш, ва дифференциал ташхислашда ва асоратлар ривожланишини камайишига олиб келган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** Вертебро-базиляр тизими етишмовчилигида кўрув аъзоларини зарарланишини комплекс ташхислашда офтальмологик ва нейрофизиологик текширувлар билан бирга БЦА томирлар РДС текшируви ва МКСТ А текширувидан фойдаланиш беморларни офтальмолог, невролог, қон томир жаррохларига қайта-қайта мурожаатини чеклайди ва хар бир беморга сарфланган маблағнинг 885 000 сўмгача тежалишини кўрсатган. Бу эса маблағни тежалиши, мукаммаллаштирилган ташхислаш жараёнини таъминлаган. **Хулоса:** Вертебро-базиляр тизимда қон айланиш етишмовчилигида офтальмологик ва нейрофизиологик текширувлардан комплекс фойдаланиш кўрув аъзоси зарарланиши эрта аниқлаш ва асоратлар ривожланишин олдини олиши мумкинлиги аниқланди.

**Иккинчи илмий янгилик:** вертебро-базиляр тизим етишмовчилигида ривожланувчи кўз олмалари оптокинетики нистагм ва саккадик харакатларини объектив текширув усули ёрдамида клиник офтальмологик бахолаш имконияти исботланган. **Илмий янгиликнинг ахамияти:** Вертебро-базиляр тизими қон айланиш етишмовчилигида ривожланувчи оптокинетики нистагм ва кўз олмалари саккадик харакатларини бузилишини Видеонистагмография текширув усули орқали клиник офтальмологик бахолаш имконияти аниқланди. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** олинган илмий-амалий натижалар Республика клиник офтальмологик шифохонаси бўйича буйруқ (буйруқ № 33П, 29.08.2024й), РИКМИАТМ Термиз филиали бўйича буйруқ (буйруқ № 18, 30.08.2025й) билан амалиётга жорий қилинган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** илк бор вертебро-базиляр тизим етишмовчилигида кўз олмалари окуломотор фаолиятини

офтальмологик ва клиник баҳолаш имконияти ўрганилди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** Кўз олмалари окуломотор фаолиятини ноинвазив хисобланган Видеонистагмография текширув усули ёрдамида текширилди ва қайта-қайта офтальмологик текширувлар учун сарф харажатлар камайди. **Хулоса:** Вертебро-базиляр тизимда қон айланиш етишмовчилигида кўз олмалари окуломотор фаолиятини ноинвазив видеонистагмография текширув усулда ўрганиш клиник амалиётда муҳим ахамиятга эга эканлиги аниқланди.

**Учинчи илмий янгилик:** комплекс ташхислаш ёрдамида вертебро-базиляр тизим етишмовчилиги ҳолатини спонтан нистагмга асосланган ҳолда ҳавфсиз пароксизмал позициян бош айланиш ва вестибуляр нейронит касалликларидан дифференциал ташхисотини ўтказиш имконияти исботланган. **Илмий янгиликнинг ахамияти:** Вертебро-базиляр тизим қон айланиши етишмовчилиги клиник жихатидан вестибуляр касалликлар ҳавфсиз пароксизмал позициян бош айланиш ва вестибуляр нейронит касалликлардан дифференциал диагностика қилиш учун ўтказиш имконияти аниқланди. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** олинган илмий-амалий натижалар Республика клиник офтальмологик шифохонаси бўйича буйруқ (буйруқ № 33П, 29.08.2024й), РИКМИАТМ Термиз филиали бўйича буйруқ (буйруқ № 18, 30.08.2025й) билан амалиётга жорий қилинган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** илк бор вертебро-базиляр тизим етишмовчилигини вестибуляр касалликлардан дифференциал ташхислашда видеонистагмография текширув усулидан фойдаланилди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ВБТ етишмовчилиги бўлган ҳолатида бўлган беморларда ривожланувчи спонтан нистагмни видеонистагмография текширув усулидан фойдаланилди. Бу усул ёрдамида ортиқча брахиоцефал артериялар МСКТ ёки рангли доплер сканерлаш текширувларини ўтказишдан қисман чекланади. **Хулоса:** Вертебро-базиляр тизимда қон айланиш етишмовчилиги ҳолатини вестибуляр касалликлардан дифференциал ташхислашда спонтан нистагмни видеонистагмография текширувидан фойдаланган ҳолда ўрганиш самарали эканлиги ўз тасдиғини топди.

**Тўртинчи илмий янгилик:** брахиоцефал артерияларда ўтказилган жаррохлик амалиётларидан олдинги ва кейинги даврда нейрофизиологик ва офтальмологик текширувлардан фойдаланган ҳолда даволаш самарадорлигини асосланган. **Илмий янгиликнинг ахамияти:** Вертебро-базиляр тизимда қон айланиши етишмовчилигида кўрув аъзолари томонидан бўладиган қуйидаги ўзгаришлар жаррохлик амалиётига кўрсатма бўлиб хисобланади: компьютер периметрия текширувида сезувчанлик кўрсаткичининг доплерография кўраткичларига боғлиқ ҳолатда камайганлиги; видеонистагмография текширувида Де Клеин ва Хаутант тестлари мусбатлиги, оптокинетик нистагм индукцияси пасайганлиги ва унинг амплитуда ассимметрияси кўрсаткичи кўпайганлиги. Рефлектор саккадик ҳаракатларнинг латентлик кўрсаткичи ошганлиги ва аниқлиги ва тезлик кўрсаткичи; **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий**

**қилиниши:** олинган илмий-амалий натижалар Республика клиник офтальмологик шифохонаси бўйича буйруқ (буйруқ № 33П, 29.08.2024й), РИКМИАТМ Термиз филиали бўйича буйруқ (буйруқ № 18, 30.08.2025й) билан амалиётга жорий қилинган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** илк бор вертебро-базиляр тизим етишмовчилигини бўлган беморларни қон томир жаррохлари билан ҳамкорликда текшириш ва брахиоцефал артерияларда жаррохлик амалиётлари орқали беморлар асоратларни олдини олинадиган, ногиронлик ҳолатлари кўпайишини олди олинадиган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ВБЕ бўлган беморларда инсултлар, кўрликни олдини олиш жамиятда ногиронлик ривожланишини камайтиради. **Хулоса:** Вертебро-базиляр тизимда қон айланиш етишмовчилигида брахиоцефал артерияларда жаррохлик амалиётларини ўтказиш беморларда асоратлар ривожланишини олди олинган бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 илмий-амалий анжуманларда жумладан, 1 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Вертебро-базиляр қон айланиш тизимига оид етишмовчилик ҳолатларининг тўғри ташҳисотидаги долзарбликлар**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Унда вертебро-базиляр етишмовчилик этиологияси ва патогенезининг замонавий концепцияси ва ушбу ҳолатда ривожланадиган кўрув аъзоларидаги ўзгаришлар ҳақида замонавий маълумотлар, офталмологияда видеонистагмография текширув усулини қўллаш орқали кўз олмалари

окуломотор фаолиятини баҳолаш ва вертебро-базиляр етишмовчиликда кўрув аъзолари зарарланишининг ташхислашда мавжуд камчиликларни бартараф этиш усуллари батафсил таҳлил этилган. Боб сўнгида таҳлил қилинган материал умумлаштирилиб, хулосалар берилган.

Диссертациянинг «**Вертебро-базиляр тизими қон айланиш етишмовчилигида кўрув аъзолари зарарланишини ташхислаш, даволаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган услублар баён этилган. Илмий ишда Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Марказий госпитали Ихтисослаштирилган жаррохлик бўлимида 2021-2024 йиллар давомида стационар даволанган кўрув аъзоларида ўзгариш бўлган вертебро-базиляр етишмовчилиги билан стационар даволанган 115 бемор (230 та кўз)ни ўрганиш маълумотлари тақдим этилган.

Вертебро-базиляр етишмовчилиги бўлган беморларга ўтказилган даво муолажалари кўра асосий ва таққослаш гуруҳларига бўлинди. Асосий гуруҳ ўтказилган хирургик даво турига кўра ўз ичида 2 гуруҳга бўлинишди.

Таққослаш гуруҳида 42 (84 та кўз), I асосий гуруҳда 35 (70 та кўз), II асосий гуруҳда 38 (76 та кўз) нафар бемор текширилди.

Жинсига кўра гуруҳларда эркаклар кўпчиликни ташкил этишди: 72 нафар эркак (62%) ва 43 нафар аёл (38%). Беморларнинг ёши 34 дан 75 ёш оралиғида бўлиб, ўртача  $59,3 \pm 16,0$  ёшни ташкил этди.

Шу муносабат билан, қуйида келтириладиган натижаларни тавсифлашда кўзлар сони бўйича маълумотлар берилади. Ушбу тадқиқот ишига кўришга тасир кўрсатувчи кўрув аъзоларининг бошқа касалликлари қарилик катарактаси, глаукома, диабетик ретинопатиялар, ўрта ва юқори даражадаги рефракция аномалиялари, тўр парда дистрофик касалликлари бўлган беморлар тадқиқотга жалб этилмади.

Барча гуруҳдаги беморларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.07.2012 йилдаги 128-сонли қарори билан қабул қилинган «Офтальмологик диагностика ва даволаш стандарти»га асосан тегишли терапевтик даволаш усуллари буюрилди.

I асосий гуруҳдаги беморларга 35 нафар беморда брахиоцефал артерияларда очиқ турдаги жаррохлик амалиётлари ўтказилди. Ушбу гуруҳдаги беморларга жаррохлик амалиётидан олдинги даврда кўрув аъзолари зарарланиш ҳолатларини ўрганиш учун умумофтальмологик, махсус офтальмологик, электро ва нейрофизиологик текширувлар ўтказилди. Нейрофизиологик текширув усули сифатида Видеонистагмография (VNG 415 Interacoustics, Dania) ўтказилди. Ушбу ўтказилган текширув усуллари жаррохлик амалиётидан 1 ойдан сўнг ва 6 ойдан сўнг қайта ўтказилди.

II асосий гуруҳдаги 38 нафар бемор брахиоцефал артерияларда ангиографик стентлаш амалиёти ўтказилди. Ушбу гуруҳдаги беморларга жаррохлик амалиётидан олдинги даврда кўрув аъзолари зарарланиш ҳолатларини ўрганиш учун умумофтальмологик, махсус офтальмологик, электро ва нейрофизиологик текширувлар ўтказилди. Нейрофизиологик


текширув усули сифатида Видеонистагмография (VNG 415 Interacoustics, Dania) ўтказилди. Ушбу ўтказилган текширув усуллари жаррохлик амалиётидан 1 ойдан сўнг ва 6 ойдан сўнг қайта ўтказилди.

Қиёслаш гуруҳига 42 нафар бемор жалб қилинган бўлиб, бу гуруҳдаги беморларга консерватив даво муолажалари ўтказилди. Даво муолажалари сифатида реологияни яхшиловчи, қон томирларни кенгайтирувчи, нейротекцияловчи, витамин терапия, қон суюлтирувчи антиагрегант, гиполипидемик, гипотензив ва гипогликемик препаратлардан фойдаланилди.

Барча беморларни даволашда тиббий стандартлар асосида дори воситалари буюрилди. Даволаш чора тадбирлари 1996 - йил 29 августдаги 265-І-сонли Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуни ҳамда ҳалқаро норматив ҳужжатлар талабига мувофиқ 2013-йилда қайта кўриб чиқилган «Хелсинки декларацияси»нинг 9-нашрига асосан ахлоқий тамойилларга кўра амалга оширилди.

**Махсус офталмологик текширувлар.** Кўрув функциялари ва энг асосийси кўриш майдонининг ўзгарувчанлиги кўздаги қон айланиши билан боғлиқлиги сабабли махсус текширув усулларида кўз олмаси томирларини ҳамда брахиоцефал қон томирларнинг рангли доплер сканерлаш текшируви ўтказилди.

A. vertebralis, a. carotis interna, a. ophthalmica ва a. centralis retina артерияларини рангли доплерография усули ёрдамида ўрганиш жараёнида бир қатор асосий гемодинамик кўрсаткичлар ўрганилди. Жумладан, систолик қон оқими тезлиги ( $V_{sys}$ ), диастолик қон оқими тезлиги ( $V_{dia}$ ), резистентлик индекси (RI), пулсация индекси (PI) ва қон оқими тезланиши вақти (Tacc).



1-расм. Кўз олмалари рангли доплерография текширув усули

$V_{sys}$  кўрсаткичи қон оқимининг систолик максимал тезлигини кўрсатиб, қон томир ўтказувчанлиги ва стеноз мавжудлигини баҳолашда қўлланилади.  $V_{dia}$  эса қон оқимининг диастолик минимал тезлигини акс эттириб, қолдиқ қон оқими ва периферик қаршилик даражасини аниқланади. Резистентлик индекси (RI),  $(V_{sys}-V_{dia})/V_{sys}$  формуласи бўйича ҳисобланиб, қон томирлардаги қаршилик даражасини аниқлайди. Пулсация индекси (PI) эса  $(V_{sys}-V_{dia})/V_{mean}$  формуласига кўра ҳисобланиб, қон оқими тезлиги тебранишининг даражаси ва умумий қаршиликни акс эттиради. Қон оқими тезланиши вақти (Tacc) қон томир деворларининг эластиклигини ва

гемодинамикага таъсир этувчи проксимал тўсиқлар мавжудлигини таҳлил қилиш учун ишлатилади.

Кўришнинг чақирилган потенциаллари комбинирлашган электроретинограф ускунасида «Кўришнинг клиник электрофизиология ҳалқаро жамияти» (ISCEV) тавсиялари асосида ҳамда А.М. Шамшинова кўрсатмаларига кўра амалга оширилди

Видеонистагмография VNG 515 INTERACOUSTICS ускунаси ёрдамида ўтказилди (3.1-расм). Текширув усули спонтан нистагмни аниқлашни, конвергенцияни баҳолашни, секин кузатув ҳаракат, саккадларни ва кўз олмаларининг вестибуляр рефлекс ҳаракатларини ўз ичига олди.

Визуал стимуляция берилган ҳолатдаги окуломотор реакцияларни ўрганиш: оптокинетик нистагмни (3.2-расмга қаранг), бош ва тананинг фазодаги ҳолатини ўзгартириш орқали нистагмни қўзғатишга асосланган тестлар (Де Клеин тести (3.3-расм), Ҳаутант тести (3.4 – расм)) қабул қилинган ҳалқаро стандартлар асосида ўтказилди.




2 – расм. Оптокинетик тест ўтказиш ва ва пайдо бўлган нистагмни Видеонистагмография текширув усулида ёзиб олиш.



3 – расм. Де Клеин позицион тестини ўтказиш ва ва пайдо бўлган нистагмни Видеонистагмография текширув усулида ёзиб олиш.



4 – расм. Де Клеин позицион тестини ўтказиш ва ва пайдо бўлган нистагмни Видеонистагмография текширув усулида ёзиб олиш.



Даставвал беморларнинг гуруҳлараро умумий ва офталмологик шикоятлари ўрагилганда таққослаш гуруҳида (42 нафар бемор) деярли

барча шикоятлар даволашдан олдин жуда юқори даражада кузатилган бўлиб, 1 ойлик кузатувда маълум бир яхшиланиш қайд этилган. Бироқ 6 ойдан сўнг айрим шикоятлар қайта ошиб, ҳатто бош айланиши ва бош оғриғи деярли дастлабки кўрсаткичларга яқинлашган (42), бу эса консерватив даволанишнинг узоқ муддатли самараси пастлигини кўрсатади.

I асосий гуруҳда (35 нафар бемор) эса 1 ойлик кузатувда кўпгина шикоятлар бир неча баробар камайиб, 6 ойлик назоратда эса янада яхшилангани аниқланди. Бу гуруҳда кўп ҳолларда шикоятлар тўлиқ ёки деярли тўлиқ бартараф этилган.

II асосий гуруҳда (38 нафар) ҳам худди шундай динамика кузатилиб, 1 ойдан сўнг шикоятларнинг кескин камайиши ҳамда 6 ойдан сўнг янада яхшиланиши кузатилди. I ва II асосий гуруҳларда шикоятларнинг 6 ойлик назоратда ҳам барқарор равишда пасайиши кузатилди.

1-жадвал

### Гуруҳлардаги беморларда мавжуд шикоятларнинг динамикаси

Шикоятлар	Даводан олдин			1 ойдан сўнг			6 ойдан сўнг		
	Қиёслаш гуруҳи	1 асосий гуруҳ	2 асосий гуруҳ	Қиёслаш гуруҳи	1 асосий гуруҳ	2 асосий гуруҳ	Қиёслаш гуруҳи	1 асосий гуруҳ	2 асосий гуруҳ
Бош айланиши	42	35	38	38	11	10	42	2	3
Бош оғриғи	42	35	38	34	14	11	42	3	4
Қулоқда шовқин	42	35	38	42	7	9	42	4	3
Мувозанатни йўқотиш	42	35	38	37	10	8	42	6	7
Хотиранинг пастлиги	42	35	38	42	19	14	42	4	3
Кўз олдида туман пайдо бўлиши	42	35	38	36	7	9	39	5	7
Қум қадалиш хисси	42	35	38	28	10	6	33	3	2
Кўрув агнозияси	4	6	5	6	0	0	9	0	0
Ўқишнинг бузилиши	42	35	38	38	8	6	36	2	2
Ранг ажратишнинг бузилиши	37	29	32	32	9	10	29	4	5
Метоморфопсия	7	5	5	10	0	0	9	0	0
Фотопсия	37	28	30	40	4	2	42	0	0
Объектларнинг иккиланиши	33	29	35	30	3	4	35	1	1
Геміанопсия	20	25	27	28	6	5	30	0	0

### Гуруҳлараро кўриш ўткирлигининг динамик кузатуви натижалари

Такқослаш гуруҳида даволашдан олдин кўрсаткич  $0,65 \pm 0,21$  бўлиб, 1 ойдан сўнг  $0,68 \pm 0,1$  га кўтарилган, бироқ 6 ойдан кейин  $0,59 \pm 0,22$  гача пасайган. I асосий гуруҳда даволашдан олдин  $0,64 \pm 0,3$  бўлса, 1 ойдан кейин  $0,65 \pm 0,2$ , 6 ойдан кейин  $0,69 \pm 0,28$  қайд этилган. 1 ойлик даврда кўрсаткич ўзгармасдан қолган бўлса-да, 6 ойлик кузатув даврида бироз яхшиланган. II



II асосий гуруҳда иккала кўз учун defectio даражаси дастлабки қийматларига нисбатан 60% дан ортиқ камайди ва таққослаш гуруҳи кўрсаткичидан 1,6 баробар паст бўлди. Шунингдек, II асосий гуруҳда MS (ўртача сезувчанлик) дастлабки ҳолатга нисбатан 40% атрофида ошди.

Ярим йиллик текширув натижаларига кўра, II асосий гуруҳда MS назорат кўрсаткичлари назоратдагидан 8% га паст яқинлашди. Таққослаш гуруҳида эса бу тафовут 27,5% дан юқорироқ даражада сақланиб қолди. Дефективлик II асосий гуруҳда  $5,79 \pm 2,14$  ва  $7,58 \pm 2,54$  гача камайиб, бу назоратдаги  $4,99 \pm 3,06$  ва  $5,28 \pm 3,01$  га нисбатан икки баробар камроқ ошишни билдиради. Гуруҳлараро таққослаш ўтказилганда II асосий гуруҳ яхшироқ динамикани кўрсатди: 1 ойда ҳам, 6 ойда ҳам унинг кўрсаткичлари таққослаш гуруҳиникига нисбатан статистик жиҳатдан яхшиланди ( $p < 0,05$ ).

### **Гуруҳлар ўртасида оптик когерент томография кўрсаткичлари динамикаси**

Макула соҳасига оид оптик когерент томография (ОКТ) таҳлилида статистик жиҳатдан ишончли фарқлар ( $p < 0,05$ ) фовеадаги минимал қалинлик, марказий сектор, умумий қалинлик (area thickness) ҳамда сегментлар (superior, medialis, inferior, lateralis, centralis) қалинликларида қайд этилган.

Даволанишдан олдин таққослаш гуруҳи учун фовеадаги минимал қалинлик (нм) OD учун ( $213,21 \pm 22,07$ ) OS да бу кўрсаткич  $221,1 \pm 24,95$ , назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 3,57%, 5,85% бўлди ( $p < 0,05$ ). Ўз навбатида I асосий гуруҳда ушбу кўрсаткич мос равишда 2,81% ва 8,94% ни ташкил этган бир вақтда, II асосий гуруҳда пасайиш эса 5% ҳамда 9,63% ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ). Фовеадаги минимал қалинлик (нм) 1 ойдан кейин таққослаш гуруҳи ва I асосий гуруҳда ўзгаришсиз ва енгил пасайиш билан кузатилди лекин II асосий гуруҳда даволашдан олдинги натижаларига нисбатан ижобий тенденция кузатилди.

II асосий гуруҳда 6 ойдан сўнг ушбу кўрсаткич бўйича натижалар даволашдан олдингига нисбатан 1,08 мартага, I асосий гуруҳда эса 1,0 мартага ошган бўлса, таққослаш гуруҳида бу ҳолат аксинча 0,98 мартага пасайиш билан кузатилди. Марказий сектор қалинлиги бўйича даволанишдан олдин таққослаш гуруҳи учун назорат гуруҳига нисбатан 5,29% паст бўлиб, бу бўйича фарқ 4,24% ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ). I асосий гуруҳда бу қалинлик назорат гуруҳига нисбатан 11,23% ва 2,59% га, II асосий гуруҳда эса 9,13% ва 6,79% га пасайганлиги қайд этилди.

Назорат гуруҳида (OU) тўр парданинг ўртача қалинлиги  $289,87 \pm 22,65$  нм ни ташкил этди. Таққослаш гуруҳи, I асосий гуруҳ ва II асосий гуруҳда кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада паст бўлди ( $p < 0,05$ ). Даволашдан кейин 1 ой ўтгач, тўр парда қалинлигининг ўртача қиймати таққослаш гуруҳида янада пасайган бўлса ( $267,70 \pm 22,18$  нм), I ( $275,04 \pm 24,41$  нм) ва II асосий гуруҳда ( $274,77 \pm 23,99$  нм) эса ошди. Бироқ, шунга қарамай барча гуруҳларда кўрсаткичлар назорат

гурухидаги қийматлардан пастлигича қолди ( $p < 0,05$ ). 6 ой ўтгач, таққослаш гурухидан ташқари қолган икки гуруҳда тўр парда қалинлигининг кўрсаткичларида яхшиланиш кузатилди. I асосий гуруҳда кўрсаткичлар  $279,36 \pm 22,67$  нм га, II асосий гуруҳда  $281,56 \pm 25,89$  нм ни ташкил этди. ( $p < 0,05$ ).

Даволашдан олдин макуланинг superior секторида таққослаш гуруҳида кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан паст бўлиши 1,4%, I асосий гуруҳда 2,2%, II асосий гуруҳда эса 4,9% ни ташкил этди ( $p > 0,05$ ). Medialis секторида пасайиш таққослаш гуруҳида 2,1%, I асосий гуруҳда 3,1%, II асосий гуруҳда эса 5,1% га етди. Lateralis секторида II асосий гуруҳда пасайиш энг юқори бўлиб, 8,9% ни ташкил этди, centralis секторида эса таққослаш гуруҳида 7,2%, II асосий гуруҳда эса 8,5% пасайиш кузатилди. Бу маълумотлар макулани зарарланишининг нобарқарорлигини ва касалликнинг чуқурлашганини кўрсатади. 1 ойдан сўнг ижобий ҳолат асосан иккала асосий гуруҳда қайд этилган бўлса, 6 ойдан кейин барча секторлар бўйича сезиларли яхшиланиш асосан II асосий гуруҳда кузатилди. Superior секторида яхшиланиш 6,5% бўлиб, назорат гуруҳи даражасига етди, Medialis секторида яхшиланиш 4,1%, lateralis секторида эса 6,9% қайд этилди. Centralis секторида ижобий динамика 4,8% бўлиб, назорат гуруҳига яқинлашди. I асосий гуруҳда ва айниқса таққослаш гуруҳида ўзгаришлар сезиларли даражада бўлмай, кўрсаткичлар назорат гуруҳидан ўртача 5–7% паст бўлиб қолди.

Гуруҳлар ўртасида кўрув нерви диски параметрларида (ONH - Optic Nerve Head parameters) GCL + Macula ҳамда RNFL Total thickness кўрсаткичлари. Даволашдан олдин GCL + Macula кўрсаткичлари барча гуруҳларда назорат гуруҳи билан таққослаганда асосий ва таққослаш гуруҳларида сезиларли фарқ қайд этилди. Inferior қавати назорат гуруҳи ва таққослаш гуруҳида мос равишда  $80,86 \pm 7,09 / 77,17 \pm 6,81$  бўлиб, назорат гуруҳига нисбатан 4,6% паст бўлди. I ва II асосий гуруҳда бу кўрсаткич мос равишда  $74,95 \pm 6,35$ ,  $74,45 \pm 6,65$  ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 7,3%, 7,9% камайган. Superior қавати назорат гуруҳида  $83,97 \pm 6,01$  бўлса, таққослаш гуруҳида  $80,23 \pm 5,67$ , яъни назорат гуруҳига нисбатан 4,4% паст. I ва II асосий гуруҳларда бу кўрсаткич мос равишда  $78,07 \pm 5,87$  (-7% паст) ва  $77,60 \pm 5,62$  (-7,6% паст) ни ташкил этди.

1 ойдан кейин Inferior ва Superior қаватлари барча гуруҳларда яхшиланган. Таққослаш гуруҳида Inferior кўрсаткичи  $78,19 \pm 6,65$ , I асосий гуруҳда  $80,16 \pm 6,57$  га, II асосий гуруҳда  $81,02 \pm 6,68$  бўлиб фоиз кўрсаткичлари мос равишда 7.2%, 6.9%, 8.8% га ошган. 6 ойдан сўнг таққослаш гуруҳида Inferior  $72,44 \pm 7,25$  га тушиб, 6.1% га камайган. I ва II асосий гуруҳда бу кўрсаткич  $83,23 \pm 6,54$  ва  $83,62 \pm 6,17$  ни ташкил қилиб мос равишда 11% ва 12.3% га ошган.

Superior қаватидаги натижалар 1 ойдан кейин таққослаш гуруҳида Superior даволашдан олдингига нисбатан 7,6% ошган. I ва II асосий гуруҳларда бу кўрсаткич даволашдан олдингига нисбатан мос равишда 6,5%

ва 9% яхшиланган. 6 ойдан кейин Superior қавати II асосий гуруҳда максимал даражада яхшиланиб, даволашдан олдингига нисбатан 12,% ошган.

Nasalis қавати 6 ойдан кейин II асосий гуруҳда 16,4% га яхшиланди. Temporalis қавати эса 13,8% яхшиланди. Таққослаш гуруҳида бу кўрсаткичлар Nasalis 65,29±7,41, Temporalis 68,72±6,58 га тушди.

RNFL Total thickness кўрсаткичлари даволашдан олдин таққослаш гуруҳида назоратга нисбатан 7% паст бўлган. I ва II асосий гуруҳларда бу кўрсаткичлар мос равишда 9,6% ва 9,7% паст кўрсаткични ташкил этди. I ойдан кейин бу кўрсаткич таққослаш гуруҳида даволашдан олдингига нисбатан 1,02 марта (2%) ошган, I асосий гуруҳда 5,9% яхшиланган. II асосий гуруҳда эса 9% ошган. 6 ойдан сўнг II асосий гуруҳда Total thickness даволашдан олдингига нисбатан 13,7 % ошган. I асосий гуруҳда 11% ошиб, таққослаш гуруҳида эса пасайиш қайд этилди ва кўрсаткич 86,81±10,07 ни ташкил қилди. Шунингдек, II асосий гуруҳда Superior ва Inferior RNFL қаватлари Superior қавати 6 ойдан сўнг 115,91±9,70 га етган, даволашдан олдингига нисбатан 15,1% яхшиланди. Inferior қавати эса 16,1% яхшиланган. Таққослаш гуруҳида Superior 95,03±10,94 ва Inferior 96,85±12,16 ни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, GCL + Macula ва RNFL кўрсаткичлари даволашга нисбатан юқори сезгирлик кўрсатди. Асосий гуруҳлар, айниқса II асосий гуруҳдаги яхшиланишлар максимал даражада бўлиб, 1,09 дан 1,16 мартагача яхшиланиш қайд этилди. Таққослаш гуруҳида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилган бўлса-да, улар асосий гуруҳларга нисбатан паст даражада бўлиб, даво усулининг самарадорлигини кўрсатади.

### Гуруҳлар ўртасида видеонистагмография кўрсаткичлари динамикаси

	Кузатув даври	Де Клеин тести		Хаугант тести	
		мусбат	манфий	мусбат	манфий
Назорат гуруҳи	Кузатув даврида	0	30	0	30
Таққослаш гуруҳи (N 42)	Даволашдан олдин	42	0	40	2
	Даволашдан 1 ой ўтиб	17	25	12	30
	Даволашдан 6 ой ўтиб	39	3	37	5
1 асосий гуруҳи (N 35)	Даволашдан олдин	35	0	33	2
	Даволашдан 1 ой ўтиб	12	20	18	17
	Даволашдан 6 ой ўтиб	2	33	3	32
2 асосий гуруҳ (N 38)	Даволашдан олдин	38	0	35	3
	Даволашдан 1 ой ўтиб	8	30	3	35
	Даволашдан 6 ой ўтиб	0	38	1	37


Бу тестлар айнан ВБЕ бўлган беморларда ривожланувчи спонтан нистагмни ўрганиш учун ўтказилади. Даволашдан олдинги даврда барча

